

**ЯДРО ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ, АСТРОНОМИЯ ИНСТИТУТИ,
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.FM/Т.33.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ**

ЯДРО ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ

ЭЛМУРОВА ДИЛНОЗА БАХТИЁРОВА

**РАДИАЦИЙ-ИНДУЦИРОВАННЫЙ ZnO НАНОСТРУКТУРНЫЙ
СЛОЙ В ZnSe КРИСТАЛЛЕ
ЭЛЕКТРОЛЮМИНЕСЦЕНЦИЯ**

01.04.07 – конденсированное состояние физики

**Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

**Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
физико-математическим наукам**

**Contents of the dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
physical and mathematical sciences**

Элмуротова Дилноза Бахтиёровна

Радиациявий-индуцирланган ZnO нанозарранинг шаклланиши ва
ZnSe кристалларида электролюминесценция..... 3

Элмуротова Дилноза Бахтиёровна

Радиационно–индуцированное формирование наночастиц ZnO и
электролюминесценция в кристаллах ZnSe..... 26

Elmurotova Dilnoza Baxtiyorovna

Radiation-induced formation of ZnO nanoparticles and
electroluminescence in ZnSe crystals 48

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 52

**ЯДРО ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ, АСТРОНОМИЯ ИНСТИТУТИ,
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.FM/Т.33.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЯДРО ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ

ЭЛМУРОВА ДИЛНОЗА БАХТИЁРОВА

**РАДИАЦИЯВИЙ-ИНДУЦИРЛАНГАН ZnO НАНОЗАРРАНИНГ
ШАКЛЛАНИШИ ВА $ZnSe$ КРИСТАЛЛАРИДА
ЭЛЕКТРОЛЮМИНЕСЦЕНЦИЯ**

01.04.07 – конденсирланган ҳолат физикаси

**Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.4.PhD/FM159 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ядро физикаси институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.inp.uz) ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ибрагимова Эльвира Меметовна

физика-математика фанлари доктори, катта илмий ходим

Расмий оппонентлар:

Хидиров Ирсали

физика-математика фанлари доктори, профессор

Ташмухамедова Дилноза Артикбаевна

физика-математика фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Ион-плазма ва лазер технологиялари институти

Диссертация ҳимояси Ядро физикаси институти, Астрономия институти, Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.FM/T.33.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Улуғбек қўрғони, Ядро физикаси институти. Тел. (+99871) 289-31-18; факс (+99871) 289-36-65; e-mail: info@inp.uz).

Диссертация билан Ядро физикаси институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100214, Тошкент шаҳри, Улуғбек қўрғони, ЯФИ. Тел. (+99871) 289-31-19).

Диссертация автореферати 2019 йил « ____ » _____ куни тарқатилди.
(2019 йил “ ____ ” _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

М. Ю. Ташметов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси ф.-м.ф.д., профессор

Э.М.Турсунов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби ф.-м.ф.д.,
катта илмий ходим

И. Нуритдинов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси
ф.-м.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда жаҳонда ярим ўтказгичли оптоэлектроника соҳасида ярим ўтказгичли наноструктураларда электр энергиясини кўриш диапазонидаги нурланишга айлантириш самарадорлигини оширишнинг физикавий механизмларини ўрганиш энг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Кенг зонали кичик ўлчамли ярим ўтказгичли *p-n* гетероўтишлар хона ҳароратида электролюминесценцияга эга бўлиши, ихчамлиги, самарадорлиги туфайли люминесцент ва чўгланма чироқлар ўрнини эгаллаб келмоқда. Шу нуқтаи назардан, юқори самарали ёруғлик тарқатувчи кичик вольтли биполяр кенг зонали, хусусан ZnO/ZnSe наногетероўтишларни олиш муаммоси ўта долзарб масала деб ҳисобланади.

Бугунги кунда жаҳонда наноструктуралардаги яримўтказгичли гетероўтишлар - квант қурилмалари бўлиб, улар зона кенглигини ўзгартира оладиган, ғайриоддий электронлар транспорти ва оптик эффектларга эга бўлган оптоэлектрон материаллар сифатида қўлланилади. Кўк/яшил нур тарқатувчи (*p-n* инжекцияли) диодлар ZnSe ва ZnTe асосида ишлаб чиқарилган бўлиб, юқори хусусий нурланиш самарадорлиги квант ўра шаклидаги наногетероструктуралар конфигурациясининг афзаллиги ва тўғри зонали ярим ўтказгич эканлиги билан боғлиқ. Уларнинг оптоэлектрон хусусиятлари нанозарраларнинг ўлчамига кучли боғлиқлиги аниқланди. Тўғри зонали кучланмаган наногетероужуфтликларда кичик кучланиш остида, хона ҳароратида ёрқин ва барқарор (куёш нурининг ўрнини боса оладиган) нурни ҳосил қилиш муаммосининг ечими энг самарали нурландиган марказлар рекомбинацияси ва нурланмайдиган каналлар рекомбинациясини ўрганиш билан боғлиқдир.

Мамлакатимизда дунё миқёсидаги турли хил ярим ўтказгичли наногетероструктуралар ва нанотуркумлардан оптик нурни қабул киладиган фотодиод, фототранзистор ва фототиристор, инфра-қизил нурни кўриш диапазонидаги нурга айлантирадиган, оптоэлектрон қурилмалар – гетеролазерларнинг фундаментал асосини ривожлантиришга катта эътибор қаратиляпти. Бу фундаментал тадқиқотлар ва йўналишлар мамлакатимиз ривожланишида катта аҳамиятга эгадир. Уларнинг амалий татбиғи 2017–2021 йиларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида¹ акс эттирилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2013 йил 1 мартдаги ПФ-4512-сонли “Муқобил энергия манбаларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонлари, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сонли “Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва

¹ 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”даги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони.

молиялаштиришни янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорлари ҳамда ушбу соҳадаги бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот иши Ўзбекистон Республикасининг фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурс тежамкорлиги» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳозирги вақтда, жаҳоннинг бир қатор таниқли олимлари, жумладан: россиялик (Ж.И.Алферов, С.В.Иванов), америкалик (J.Schrier, A.P. Alivisatos), украиналик (В.Д.Рыжиков, В.Я.Дегода, С.С.Вильчинская), англиялик (G.D.Watkins, D.J.Dunstan, H.Morkos), молдавиялик (R.Scurtu, M. Popa) ҳиндистонлик (M.Shakir, M.A.Wahab), арабистонлик (S.Darwish, I.K. El Zawawi), хитойлик (P.Chen, Y.Wang, M.Kamruzzaman, Y.Zhang), ўзбекистонлик (М.У. Каланов, А.С. Саидов, А.А. Кист, Э.М. Ибрагимова, С. Курбонов, С.З. Зайнобиддинов) ва бошқалар томонидан рентген томография соҳасида қўлланиладиган сцинтиляцияон ва юқори нур чиқарадиган кристалларни ўстириш, ҳамда ультра-бинафша нурнинг дозиметрияси учун Ni-ZnSe(Te,O)-In Шотки диодлари, лазер генерацияси учун CdSe/ZnSe квант оролчали структуралар, фотовальтаик қурилмалари учун кенг зонали ZnO/ZnSe, (1D-наносим) n-ZnO/p-ZnTe ва n-ZnO/p-ZnS гетероўтишлар ўрганилган.

Бу тадқиқотлар ZnSe монокристалларини Zn буғларида термо-ишлаш тугунлараро Zn_i марказлар ва барқарор ($O_{se}^0Te_{se}^0V_{Zn}$) ва ($O_{se}V_{Zn}Me^{III}_{Zn}Zn_i$) ассоциатларнинг ҳосил бўлиши натижасида уларнинг электрик ва оптик хусусиятларини ортишига олиб келишини кўрсатди, ҳамда юпқа ZnSe плёнкаларида тўғри рухсат этилган зоналараро ўтишларнинг ҳосил бўлиши аниқланди; фотодетекторлар ва ёруғлик диоди сифатида қўлланиладиган ZnO/ZnSe гетеро-наноспирал, II тур n-ZnO/p-ZnSe гетероструктуралар ва фотоэффектни сезадиган ядро/қобик ZnO/ZnTe наностерженлар олинди. XX асрнинг 80-йиллари иккинчи ярмидан бошлаб, ЎзФА ЯФИда иссиқ нейтронлар ва рентген нурларининг сочилиш услубида қаттиқ жисмларнинг наноструктурасини аниқлаш бўйича илмий тадқиқот ишлари амалга оширилиб келинмоқда. Хусусан, SiZnSe ва GaAsZnSe ярим ўтказгич бирикмаларида квант нуқталардан иборат бўлган наноструктуралар аниқланган ва уларнинг электрик ва электролюминесцент хусусиятлари ўрганилган; объектнинг фазовий йўналишини аниқлаш учун ZnO наностерженлар ўстирилган; радиациявий барқарорликни аниқлаш учун стехиометрланмаган ZnSe(Te):O,Zn кристалларининг сцинтиляцияон хусусиятларига гамма ва реактор нурланишларининг таъсири ўрганилган.

Бироқ, наноструктураларнинг ҳолати ва электрон структураси, мумкин бўлган нанофазали қўшимчалар ва фотоэлектроактив марказларнинг шаклланишига ҳар қил турдаги ионлашган нурланишнинг таъсири, стехиометрланмаганлик билан радиолиз орасидаги боғланиш, кислород концентрацияси, самарали электролюминесценциянинг гетерочегарадаги

панжара кучланиши ва чуқур сатҳлар ўрни, энергетик сатҳларнинг йиғиндиси, ёрқин электролюминесценцияли $\text{ZnO}/\text{ZnSe}(\text{Te})\text{:O,Zn}$ наногетероўтишларнинг ҳосил бўлиш имконияти батафсил ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ядро физикаси институтининг Ф-2.1.2 «Кўп бирикмали стехиометрланмаган намуналарнинг терморadiацион таъсирланишда структуравий, электрофизик, магнит ва механик хусусиятлари» (2003–2007); 4-04 «LiF ва ZnSe кристалларининг реактордаги индуцирланган гамма нурланиш таъсирида оптик хусусиятлари ва структурасининг ўзгариши» (2004–2005); 2-06 «Радиацион-индуцирланган нанотизимларнинг шаклланиши» (2006–2007); ФА-Ф2-Ф068 «Нанотизимли материалларнинг радиациявий муҳандисияти» (2007–2011); ОТ-Ф2-26 «Электронлар манбаида функционал нанотизимларнинг шаклланиш механизмлари» (2017–2021) илмий-тадқиқот лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади нурланиш таъсирида стехиометрланмаган ZnSe кристалларининг яқин сирт қатламидаги ZnO нанозарранинг ҳосил бўлиш механизмини ва самарали ёруғлик тарқатувчи наногетероўтишларнинг электрон структурасини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ZnO нанозарранинг Zn/Se нисбат ва Te, O ва Zn_i аралашмаларга боғлиқ ҳолда кристал структурасини, ўлчамини, шаклини ва ориентациясини аниқлаш;

ZnO нанозарранинг шаклланиши ва бузилишида ионловчи нурланиш энергияси ва муҳитнинг (вакуум ёки ҳаво) таъсирини ўрганиш;

ZnSe нинг яқин сирт қатламидаги микрокаттикликни ZnO нанозарра хусусиятларига боғлиқлигини ўрганиш;

фотоэлектрик хоссаларнинг аралашма ва Zn_i марказларининг концентрациясига, ҳамда ZnO нанозарра ўлчами/шаклига боғлиқлигини ўрганиш;

оптик ютилиш, қайтиш, ўтказиш орқали электрон структурадаги сатҳларининг эгалланганлигини ва энергиясини нурланишдан олдин ва кейин аниқлаш;

сиртий электрўтказувчанлик ва электролюминесценцияга аралашмалар Te, O, ва Zn_i концентрацияси ва ZnO нанозарра ўлчами/шаклининг таъсирини ўрганиш;

ZnSe/ZnO:O наногетероструктуралар ёки ёруғлик тарқатувчи ZnSe(Te)/ZnO:O,Zn наногетероўтишларнинг ҳосил бўлишида ZnO нанозарра ўлчами/шаклнинг таъсирини ўрганиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Te аралашмаси билан имплантацияланган, оксидли муҳитда, цинк буғларида термо-ишлов берилган ва турли хил шароитларда нурлантирилган сцинтиляцион ZnSe кристалларидаги ZnO нанозарра олинган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб ZnSe да ZnO нанозарра ўсишининг радиацион-индуцирланган механизмлари ва турли хил геометрияли наногетеросруктура ва ёруғлик тарқатувчи наногетероўтишларнинг шаклланиши, шунингдек, электролюминесценция ва фотоўтказувчанлик самарадорлигига таъсир қиладиган омиллар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Элемент таркибининг рентгено-флуоресцент таҳлили, рентген нурлар дифракцияси таҳлили, инфрақизил ва электрон микроскопияси, фотоэлектрик усуллар, микрокаттикликни, электр ўтказувчанликни ўлчаш усуллари, оптик спектроскопияси, электролюминесценция спектроскопияси усуллари.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

силлиқ наноплёнкали 27 нм (013)ZnO/(311)ZnSe:O,Zn, наноустунли чўтка 40 нм (110)ZnO/(220)ZnSe(0.2% Te):O,Zn ва наноустунчалар билан безатилган 50 нм (002)ZnO/(111)ZnSe(0.5% Te):Zn наногетероўтишлар интерфейсида панжара кучланишининг минимизация шартига асосан ZnO нанокристалларининг критик ўлчами, шакли ва ориентацияси ZnSe кристал-тагликнинг мос ориентациясига боғлиқлиги аниқланган;

гамма ^{60}Co нурлари таъсири натижасида электролюминесценцияси 600 ± 10 нм ли кучланиш кутбига боғлиқ бўлмаган ва ZnSe нинг таъқиқланган зонадаги нуқсонлар йиғиндиси - Zn_I марказ ва $\text{V}_{\text{Zn}}\text{Zn}_\text{i}\text{O}_{\text{Se}}$ ёки $\text{V}_{\text{Zn}}\text{Zn}_\text{i}\text{Te}_{\text{Se}}$ ассоциат сатҳлари иштирокида ҳосил бўлган кичик волтли ёруғлик тарқатувчи ZnSe/ZnO:O,Zn (21 В, $I_{\text{EI}}=91$), ZnSe(0.2% Te)/ZnO:O,Zn (12 В, $I_{\text{EI}}=70$) ва ZnSe(0.5% Te)/ZnO:Zn (30 В, $I_{\text{EI}}=112$) наногетероўтишлар олинган;

~ 1.25 МэВ ли гамма нурлари таъсири натижасида ZnO наноустунчалар билан безатилган, қалинлиги 50 нм ли планар ZnSe(0.5% Te)/ZnO:Zn наногетероўтишда бешта резонанс сатҳлар Γ_{6v} -5.76 эВ, $L_{1,3v}$ -4.85 эВ, Zn_i -3.39 эВ, O_{Se} - 3.17 эВ ва $X=2.72$ эВ ҳосил бўлиши, E_g нинг 0.06 эВ қийматгача камайиши ва фотоўтказувчанликнинг 10^{-6} Ом $^{-1}$ гача ошиши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

радиолиз самарадорлиги ошишида ZnSe яқин сирт қатлами ~ 40 мкмда селен-танқис стехиометрланмаганликнинг ўрни ва тугунлараро Zn_i катионда кислород адсорбцияси билан радиацион-индуцирланган гетероген нуклеация механизми буйича 1.2 нм ўлчамли аморф ZnO-нано зарра ҳосил бўлиши кўрсатилган;

Zn буғларида термо-ишлаш ва ^{60}Co гамма-нурлари таъсири натижасида ZnSe нинг яқин сирт қатламидаги ZnO-нано микдорининг ўсиш шартлари ва вакуумда 18 МэВ протон билан нурлантирилганда бузилиш шартлари, шу билан бир қаторда ядро реакторининг иссиқ колоннасидаги ^{17}O изотопидан 7 МэВ гамма-нурлари таъсири натижасида ZnSe панжара матрицасининг иккига ажралиши унинг релаксацияланиши ва ZnO нанонинг тартибланиши натижасида парчаланиш аниқланган;

гамма ^{60}Co нурлари таъсири натижасида ZnSe(0.2% Te)/ZnO:O,Zn наногетероўтишда кўндаланг ўлчами 400 нм ли ZnO наноустунлар чўткаси ва ZnSe(0.5% Te)/ZnO:Zn да ZnO наноустунлар билан безатилган плёнка шаклланган бўлиб, ZnSe нинг ўтказувчанлик зонасида ҳосил бўлган резонанс

сатҳларга заряд ташувчиларни термостимуляцион уриб чиқарилиши билан боғлиқ бўлган, чўққили туннел ўтказувчанликли $T_{\text{мак}}=356$ ва $T_{\text{мин}}=226$ - $T_{\text{мак}}=364$ К; $\sigma_{\text{мак}}=3 \cdot 10^{-9}$ ва $\sigma_{\text{мин}}=9 \cdot 10^{-13}$ - $\sigma_{\text{мак}}=6.2 \cdot 10^{-7}$ Ом⁻¹см⁻¹; $E_a=0.57$ ва $E_a=0.1$ - $E_a=0.62$ эВ ҳосил бўлиши аниқланган.

ёруғлик диодларини ишлаб чиқаришда катта қизиқиш уйғотадиган *p-n*-ZnSe(0.2-0.5% Te)/ZnO:Zn, O наногетероўтишнинг икки кутбида ишчи кучланишининг 10 В гача камайишида электр энергиянинг ёруғлик энергиясига айланиш самарадорлиги 8.7% ли электролюминесценция ёрқинлигининг ўсиши аниқланган;

устунли фотодиодларни ишлаб чиқаришда катта қизиқиш уйғотадиган *p-n* ZnSe(0.2% Te)/ZnO:O, Zn наногетероўтишда реакторнинг гамма-нурлари таъсири натижасидан фотоўтказувчанлик 10^{-6} Ом⁻¹ қийматгача ўсиши аниқланган;

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги бир-бирини тўлдирувчи замонавий аналитик усуллар мажмуасидан фойдаланилганлиги, катта статистикага эгалиги ва такрорланувчи амалий тажрибалар, мантикий ва изчил натижалар ҳамда кенг зонали ярим ўтказгичларнинг умумий физик тасаввур хулосалари қўлланилганлиги ва уларнинг физик қонуниятлари ва моделлари таққосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, аниқ ўзаро ориентацияли стехиометрланмаган ZnSe юзасида устун ёки плёнка шаклида радиацион-индуцирланган ZnO нанокристалнинг ўсиши кучланмаган гетерогенли нуклеация механизмининг янги кўринишини ўзида мужассамлаштиради. Ютилиш спектрида ўлчанган резонанс энергетик сатҳларнинг Γ_{6v} -5.76 эВ, $L_{1,3v}$ -4.85 эВ, Zn_i -3.39 эВ, O_{Se} -3.17 эВ ва X =2.72 эВ тажрибавий қийматлари ўтказувчанлик зонасидаги қайтиш ва ўтказиш спектрларидаги қийматларининг ўсишига таъсир қилади, бу эса электронлар корреляциясини инобатга олган Хаббард параметри билан локал зичлик яқинлашувидаги кенгайтирилган функционал зичлик усули асосида нано-ZnO ютилиш спектрларидаги ҳисоблар билан етарли даражада мос келади.

Илмий тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти кичик 10 В кучланишда сариқ-тўксариқ рангли юқори интенсивликда ёруғлик тарқатувчи ZnSe/ZnO:O, Zn ва ZnSe(Te)/ZnO:Zn наногетероўтишлар олишининг радиацион технологик физикавий асосини яратишда қўлланилиши мумкинлиги билан изоҳланади. Олинган натижалар конденсирланган ҳолат физикасидаги янги наноструктура ва наноматериаллар физикаси соҳасининг ривожланишида фойдали бўлиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Радиациявий-индуцирланган ZnO нанозарранинг шаклланиши ва ZnSe кристалларида электролюминесценцияни ўрганиш асосида:

ZnO нанокристалларининг критик ўлчами, шакли ва ориентациясининг боғлиқлиги ZnSe кристал-таглик ориентациясига мосланган бўлиб, 50 нм (013)ZnO/(311)ZnSe:O, Zn наногетероўтиш ZnO наноустунлар билан безатилган интерфейсида панжара кучланишининг минимизациясига

мосланганлиги, шу билан бир қаторда, ^{60}Co гамма-нури таъсири натижасида ZnSe кристаллининг яқин сирт қатламидаги ZnO -нано микдорининг ўсиш шарти А4-ФА-Ф156-сонли « ZnO -наноструктур ва органик ярим ўтказгичлар асосида юқори самарали гибрид қўёш элементлари технологиясини ишлаб чиқариш» (2012–2014) амалий лойиҳасида юпқа ZnO плёнканинг ўтказиш спектрларини аниқлашда қўлланилган (Ўзбекистон Фанлар академиясининг 2018 йилнинг 24 декабридаги 2/1255-3372-сонли хати). Илмий натижаларнинг қўлланилиши юпқа ZnO плёнканинг микротасвирини таҳлил қилиш ва сруктуравий характеристикаларини аниқлаш имконини берган;

ZnSe нинг таъқиқланган зонадаги нуқсонлар йиғиндиси Zn_i марказ ва $\text{V}_{\text{Zn}}\text{Zn}_i\text{O}_{\text{Se}}$ ёки $\text{V}_{\text{Zn}}\text{Zn}_i\text{Te}_{\text{Se}}$ ассоциат сатҳлари иштирокидаги кичик вольтли ёруғлик тарқатувчи $\text{ZnSe}/\text{ZnO}:\text{O},\text{Zn}$ (21 В, $I_{\text{EL}}=91$) ва $\text{ZnSe}(0.2\%\text{Te})/\text{ZnO}:\text{O},\text{Zn}$ (12 В, $I_{\text{EL}}=70$) наногетероўтишларнинг кучланиш қутбига боғлиқ бўлмаган 600 ± 10 нм ли электролюминесценция натижалари халқаро олимлар томонидан (халқаро илмий журналларда *Spectrochimica Acta, Part A: Molecular and Biomolecular Spectroscopy*, 2011; *Прикладная физика*, 2011; *Материали для сенсоров*, 2011; *Journal of Advances in Condensed Matter Physics*, 2018; *Journal of Applied Physics*, 2018; *Journal of Luminescence*, 2018) ZnO нанозарранинг фотоўтказувчанлигини, фотолуминесценциясини, микротасвирини ва рентгенограммасини, ҳамда ZnSe ёруғлик диодларининг электро-фото-рентгено-люминесцент хусусиятларига гамма ва рентген нурланишлар таъсирини тушунтиришда қўлланилган. Илмий натижаларнинг қўлланилиши ZnO нанозарранинг вюрцитли гексагональ структурасини, V_O билан боғлиқ фотолуминесценциянинг яшил эмиссиясини, фотоўтказувчанликни, ҳамда соф ZnSe кристалларининг юқори ҳароратли ўтказувчанлигини, люкс-ампер хусусиятининг рентгено рағбатлантирилган ўтказувчанликнинг боғлиқлигини ва ультра-бинафша фотоўтказувчанликни тушунтириш имконини берган;

гамма ~ 1.25 МэВ нурлари таъсири натижасида планар $\text{ZnSe}(0.5\%\text{Te})/\text{ZnO}:\text{Zn}$ наногетероўтишда Zn_i -3.39 эВ, O_{Se} -3.17 эВ резонанс сатҳларнинг ҳосил бўлиши, E_g нинг 0.06 эВ гача камайиши ва фотоўтказувчанликнинг 10^{-6} Ом $^{-1}$ ошиши А4-ФА-Ф156-сонли « ZnO -наноструктур ва органик ярим ўтказгичлар асосида юқори самарали гибрид қўёш элементлари технологиясини ишлаб чиқариш» (2012–2014) амалий лойиҳада ZnO нанотуркумнинг рентгенограмма таҳлилининг ўтказишда фойдаланилган (Ўзбекистон Фанлар академияси 2018 йилнинг 24 декабридаги 2/1255-3372-сонли хати). Илмий натижаларнинг қўлланилиши ZnO нанотуркумларнинг фотовольтаик ва фотолуминесценция хусусиятларини аниқлаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот 20 та халқаро ва 9 та республика миқёсидаги конференциялар ва халқаро мактабларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 36 та илмий иш чоп қилинган, шулардан 7 таси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари

асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда илмий мақола, жумладан 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 5 та боб, хулоса, илова ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация асосий қисмининг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

“Радиациявий-индуцирланган ZnO нанозарранинг шаклланиши ва ZnSe кристалларида электролюминесценция” номли диссертациянинг кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ҳамда амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“ZnO нанокристаллитларнинг, ядро/қобик ZnO/ZnSe гетероструктура ва гетероўтишларнинг, ZnSe монокристалларининг структуравий, фотоэлектрик ва оптик хоссалари ҳақида олиб борилган тадқиқотлар ва уларнинг синтези”** деб номланган биринчи боби ZnO нанокристалларини олишнинг ҳар хил усуллари, ZnO/ZnSe гетероструктура ва гетероўтишларнинг асосий хусусиятлари, турли хил ионловчи нурланиш таъсирида, катион ёки анионли панжара аралашмали ZnSe монокристалларининг структуравий, электрик, оптик ва сцинтилляцион хусусиятлари борасидаги жаҳон адабиётлари шарҳига бағишланган.

Диссертациянинг иккинчи боби **«Намуналар ва тажрибавий тадқиқот усуллари»** деб номланиб, унда ZnSe асосида кристалларнинг олиниши, структуравий таҳлил, фотоэлектрик, электрик ва оптик хусусиятларини ўлчаш усуллари келтирилган. Юзани радиациявий индуцирланган оксидланиш ёки тиклаш учун ^{60}Co (~ 1.25 МэВ) манбанинг γ -нурлари ёки реакторнинг ҳаводаги 7 МэВ ли филтрланган иссиқ нейтронлар оқимининг γ -компонентаси $3.3 \cdot 10^{15}$ - $3.3 \cdot 10^{17}$ см $^{-2}$ яъни (10^8 - $5 \cdot 10^8$ Р) аралашмали нурлари, шунингдек, вакуумда 10^{15} см $^{-2}$ оқимли 18 МэВ протонлар билан нурлантиришлар қўлланилди. Кўп каналли анализатор Ge-детекторда рентгено-флуоресцент усули орқали яқин сирт қатламининг ўртача элемент таҳлили (К дан бошлаб) аниқланди. Кристалнинг стехиометрланмаганлик даражасини аниқлаш учун, яъни сирт яқин қатламнинг ~ 40 мкм гача Se/Zn нисбатини аниқлаш учун рентген - квантлари энергияси 22.1 кэВ ли ^{109}Cd изотопидан, 70 мкм гача Те аралашма концентрациясини аниқлаш учун Х-квантлари энергияси 59.6 кэВ ли ^{241}Am изотопидан фойдаланилди. Яқин сирт қатламдаги микро- ва наноструктурларанинг локал таркибий таҳлили 2 мкм масштабда Aztec энергодисперсион системали электрон сканерлайдиган


микроскоп EVO MA10 (Zeiss) да (Be дан бошлаб) аниқланди. Намуналарнинг структура ва фазовий таркиби $2\Theta=10\div70^\circ$ бурчак оралиғида ($\lambda_{\text{CuK}\alpha}=0.1542$ нм нурланишда) қўшимча коллимация тарами билан такомиллашган ДРОН-3М курилмасида рентген дифракцион усулида ўлчанди. Спектрлар орқали кристаллар симметрияси, намунанинг яқин сирт қатламидаги кристаллографик текислиги, фазовий таркиби, шу билан бир қаторда нанозарраларнинг ўлчами, структураси ва ориентацияси аниқланди. Нурлантирилган ва нурлантирилмаган юза қатламнинг микроқаттиқлиги $20\div200$ грамм оғирликда ПМТ-3 курилмада аниқланди. Олмосли пирамида билан санчилган яқин сирт қатламининг микротасвирлари модернизацияланган МИК-1 микроскопида (тасвирни қайта ишлашда компьютер дастуридан, 713XTV CARD ва B/W CAMERA фойдаланилган ҳолда) олинди. Фото-вольт ампер характеристикаси 300 К да ва электрўтказувчанлик $90\div390$ К да икки контактли усул ёрдамида ўлчанди. Электролюминесценция ва вольт-ёрқинлик боғланиш спектрлари SPM-2 (Zeiss) спектрал курилмада ФЭК-100 билан тўлқин узунлиги $200\div900$ нм оралиғида қайд қилинди. Оптик ютилиш спектрлари тўлқин узунлиги $190\div1100$ нм оралиғида, 6 нм тирқиш кенглигида, оптик зичлиги 5 гача бўлган СФ-56 (ЛОМО), ўтказиш ва қайтиш спектрлари эса $240\div830$ нм оралиғида, 32 нм тирқиш кенглигида UV3600 (Shimadzu) курилмасида ўлчанди. Катта статистика туфайли (бир хил йўналишли $10\times10\times1$ мм³ ўлчамга эга бўлган 10 та намуналарда такрорий 5 мартадан ўлчанди), ўлчов хатолиги 10% дан ошмади.

Диссертациянинг «**ZnSe:O, ZnSe(0.2%Te):O, ZnSe(0.2 ва 0.5%Te) кристалларининг структуравий хусусиятларига Zn буғида ишлов бериш ва нурланишнинг таъсири**» деб номланган учинчи бобида кристалларнинг ионловчи нурланишлар таъсиридан олдин ва кейин кристалл структураси, механик хоссалари ва микротасвири келтирилган. Соф кубик ZnSe:O монокристалларда релаксацияланган ZnSe панжара матрицасининг (311) рефлексидан ташқари ZnO аралашма фазанинг кичик симметриясида (013) рефлекси аниқланди. Zn буғида термо-ишлов бериш, тугунлараро ҳолатни эгаллайдиган Zn атомлари билан диффузион бойитиш натижаси эластик кучланишлар ҳисобида сезиларли даражада (311) рефлексининг кенгайишига олиб келди. ⁶⁰Со манбаида γ -квантлари таъсири натижасида ZnSe/ZnO:O, Zn нинг панжара матрицасидаги кучланишнинг қисман камайиши (311) рефлекс кенглигининг торайишига ва ZnO аралашмали фазалар микдорининг ошиши (013) рефлекс интенсивлигининг ўсишига олиб келди. Қўшимча ZnO кристал фазаларнинг латерал ўлчовлари Селяков-Шеррер формуласи орқали аниқланди. β_{hkl} – мос келган қайтишнинг ярим кенглиги (рад).

$$L = \frac{0.94\lambda}{\beta_{hkl} \cos \theta_{hkl}} \quad (1)$$


Легирланган ZnSe(0.2%Te)/ZnO:O намунада ZnSe панжара матрицасининг (220) рефлекси ва ZnO аралашма фазасининг (110) рефлекси

аниқланди. Гамма-нурланиш таъсири натижасида структура сақланди, аралашма фаза миқдори ўзгармади. Zn буғида термо-ишлов бериш юпқа структуранинг ўзгаришига олиб келди: ZnSe структурасида энг нуқсонлиси ҳисобланган [111] кристаллографик ориентацияга яқин жойлашган, ва унга перпендикуляр бўлган (111) атом текислигининг кичик бурчаклари остида кенг диффуз сочилиш кузатилди (1-расм).



1-расм. ZnSe(0.2%Te)/ZnO:O,Zn рентгенографикли фазавий таҳлил

Бу ориентацияга $2\theta \approx 27.2^\circ$ бурчак сочилиши тўғри келади, айнан шунинг атрофида селектив бўлмаган рефлекс кузатилди, эҳтимол бу, жуда майда ўзаро таъсирлашмайдиган [111] ориентацияли аралашмали фазанинг муртакларига мослангандир. Бироқ, ўлчамларнинг ўсиши ва улар орасидаги масофанинг камайишида, $d/n=0.1626$ нм ли (110) рефлексга масъул бўлган ZnO аралашма фазанинг кристал қўшимчалари ва чўкмалар бир-бири билан ўзаро таъсирланишни бошлайди. Гамма-нурланиш таъсирида ≈ 40 нм эга бўлган (110)-ZnO нанозаррали ва 0.9 нм-ZnO аморф қўшимчали ZnSe(0.2%Te):O,Zn кристаллининг яқин сирт қатламидаги радиолиз, яъни Se нинг буғланиши ва унинг ўрни атмосферадаги O ва O₃ билан алмашилиши, натижасида аралашма фазанинг миқдори ва ZnO зарра муртакларнинг ўлчами 1.2 нм гача ўсди.




2-расм. ZnSe(0.5% Te)/ZnO:Zn рентгенографикли фазавий таҳлил

2-расмда (111) кристаллографик ориентацияли 0.5% Те микдорли ZnSe/ZnO:Zn да, (002) дифракцион чўққига тўғри келувчи ZnO аралашма фаза борлиги, бироқ унда 30° атрофидаги диффуз сочилиш йуқолганлиги кўрсатилган. Бу ҳолат намуналарни оксидли муҳитда термо-ишлаш ёки Те аралашманинг юқори концентрацияси билан легирлашга боғлиқлиги ҳақида далолат беради. ^{60}Co γ -квантлари билан нурлантириш ҳажмий эластик кучланиш даражасини сақлаган ҳолда ZnO фаза микдорини 2 баробарга оширди. ZnO нанокристалларининг (002) чўққи орқали аниқланган ўлчамлари ~52 нм ни ташкил этади. Яқин сирт қатламига киритилган Zn_i марказлари О билан кимёвий боғланишга киришиб, шаклланган аралашмали нанокристал кўшимчаларида янги ZnO қатламини ҳосил қилиши (002) рефлекснинг ўсишида намоён бўлади. Нурланиш Zn-Se боғининг радиолизига олиб келди, натижада Se буғланди ва Zn_i^{2+} ҳаводаги O^- анионлар билан боғланди. Реакторнинг иссиқ колоннасидаги ^{17}O изотопидан 7 МэВ энергияли γ -компонентали нурланиши ZnSe/ZnO:O,Zn нинг яқин сирт қатламидаги ZnO оксидли қатламнинг парчаланиши ва ZnSe панжара матрицасининг иккига ажралиши радиацион нуқсонларнинг тартибга солиниши тўғрисида далолат беради. Вакуумдаги 18 МэВ протонли нурлаш таъсирида эса ZnO қатламнинг қисман парчаланиши содир бўлди.


ZnSe/ZnO:O ва ZnSe/ZnO:O,Zn да H_μ микроқаттиқлик қийматлари ва $\alpha=136^\circ$ икки қирра бурчакли олмос-квадрат пирамиданинг l чуқурликкача кириши қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$H_\mu = 1.854 \cdot \frac{P}{d^2} \text{ ва } e = \frac{d}{2 \operatorname{tg} \frac{\alpha}{2}} \quad (2)$$

Хар хил турдаги ионловчи нурланиш таъсиридан олдин ва кейин 50÷200 гр оғирликдаги микроқаттиқлик боғланиши ва микротасвирлар 3 ва 4-расмларда келтирилган.




1 – ZnSe/ZnO:O, 2 – ZnSe/ZnO:O,Zn, 3 – ^{60}Co γ -нурланишдан, 4 – олд ва 5 – орқа томони протонли 10^{15} см^{-2} нурланишдан, 6 – реактордаги $6.6 \cdot 10^{16} \text{ см}^{-2}$ γ -нурланишдан сўнг
3-расм. С-пирамиданинг кириш чуқурлигига микроқаттиқликнинг боғлиқлиги



(1) – соф ZnSe/ZnO:O,Zn юзаси; (2) – ^{60}Co γ -нурланишидан; (3) – протон нурланишидан; (4) –реакторнинг γ -нурланишидан сўнг. Тасвир масштаби 400×400 мкм.

4-расм. С-пирамида санчилган яқин сирт қатламнинг микротасвирлар

3- ва 4-расмлардаги маълумотларни солиштириш, ^{60}Co γ -нурланиш таъсирида (2) санчилган уколлар ўлчамининг камайишини (H_μ ўсишини), реакторнинг γ -нурлари таъсирида эса (4) санчилган уколлар изи чуқурлашганини (H_μ камайишини), шу билан бир қаторда майда қорамтир чўкмалар ҳосил бўлишини кўрсатди. Шундай қилиб, ZnO нанозарранинг ^{60}Co γ -нурланиш таъсири натижасида ўсиши билвосита исботланди. Тўғридан-тўғри далиллар эса 5-расмда ва 1-жадвалда келтирилган. Намуналарнинг нурлантирилмаган юзаларида фақатгина дислокацион тўр ҳосил бўлиши аниқланди. Zn буғида қайта-ишланган ва гамма-нурлари билан нурлантирилган наногетероўтишнинг фототасвирларини солиштириш: оксидловчи муҳитда қайта терма ишлов берилган (РСТ аниқланган) 27 нм қалинликдаги ZnO нанокристалли намуналарда юпқа плёнканинг шаклланишини (5-расм, А), 0.2% Те билан легирланган 40 нм ZnO нанокристалли ва 1.2 нм ZnO аморф фаза намуналарда кўндаланг ўлчами 200÷400 нм бўлган ZnO наноустунли чўтка ҳосил бўлиши (В) кўрсатилган. Аргонли тикланаётган атмосферасида ўстирилган 0.5% ли Те билан легирланган, қалинлиги 52 нм ZnO нанокристалли намуналарда эса ZnO наноустунлар билан безатилган, ZnSe/ZnO ли текис (>10×10 мкм) интерфейсларга эғалиги кўрсатилган.



5-расм. Гамма ^{60}Co 500 МР билан нурлантирилган ZnSe/ZnO:O,Zn (А), ZnSe/ZnO(0.2% Те):O,Zn (В) ва ZnSe/ZnO(0.5% Те):Zn (С) микротасвирлари

1-жадвалда нурланиш таъсиридан сўнг бу яқин сирт қатламларда О миқдорининг - айниқса адсорбирланган O_3 иштирокида ва ZnO фазанинг аморф 2D-плёнка ва 1D-устунли кристаллар кўринишида, (детектор AZtec) ўсишини (РФТ да) тасдиқловчи элемент таҳлиллар келтирилган.

Намуналарда ^{60}Co 500 МР нурланиш таъсири натижасида радиолиз жараёнида яқин сирт қатламдан чиққан ва қолган элементлар таҳлили ва ZnO нанокристаллар ўлчами

Элемент (оғ.%)	ZnSe	ZnSe:O,Zn		ZnSe(0.2% Te):O,Zn		ZnSe(0.5% Te):Zn	
		Чиққан	Қолган	Чиққан	Қолган	Чиққан	Қолган
ZnO нм × инт.		27×2		40 ×2 +аморф.1.2		52 ×2	
O K	0	4.2	-	69.5	-	5.9	-
Zn L	47	45.0	55.3	16.3	61.1	43.7	26.5
Se L	53	50.8	44.7	14.2	38.9	49.9	73.5
Te L	0	0		0		0.4	
		0		0.2		0.5	

Радиолиз вақтида чиқарилган қатламнинг (Li)Si детектори ёрдамида ўрганилган таркибий таҳлили О микдорини аниқлаш имконини бермади. Жадвалда ^{60}Co гамма квантлари таъсири натижасида ZnSe/ZnO(0.2% Te):O,Zn наногетероўтишларнинг яқин сирт қатламидаги Se микдорининг камайиши, О микдорининг 70 барабаргача ошишига олиб келиши кўрсатилган.

Диссертациянинг тўртинчи боби «ZnSe/ZnO:O, ZnSe(0.2 и 0.5% Te)/ZnO наногетероструктуралар ва ZnSe/ZnO:O,Zn, ZnSe(0.2 ва 0.5% Te)/ZnO:O,Zn наногетероўтишларнинг нурланишдан олдин ва кейин фотоэлектрик хусусиятлар ва электрўтказувчанлиги» деб номланади. Адабиётлардаги маълумотларга кўра, ZnSe намуналарида V_{Se} мавжудлиги сабабли n -тур ўтказувчанликка ва юқори солиштирма қаршилиққа $\rho \sim (10^{10} - 10^{12})$ Ом·см эгадир. Zn буғларида термо-ишлов бериш ZnSe кристалларида V_{Zn} марказлари билан боғлиқ чуқур сатҳни ҳосил бўлиши натижасида ўтказувчанликни p -турга ўзгариши ва ρ ни $\sim (10^4 - 10^5)$ Ом·см гача камайишига олиб келиши аниқланган, аммо турли хил ионловчи нурланишларнинг таъсири ўрганилмаган.

2-жадвалда реакторнинг 7 МэВ γ -нурланишдан олдин ва кейин коронгуликдаги (ρ_T) ва ёруғликдаги (ρ_C) солиштирма қаршилиқ қийматлари, ва уларга тегишли (+R/-R) поляризация ва ($\sigma_{фў}$) фотоўтказувчанлик қийматлари келтирилган. Фотоўтказувчанлик $\sigma_{фў}$ кўйидаги нисбатда хисобланган:

$$\sigma_{фП} = \frac{(R_T - R_C)}{R_T \cdot R_C} \quad (3)$$


Жадвалдан кўриниб тургандек соф ZnSe/ZnO:O наногетероструктура ρ_T , ρ_C , $\sigma_{фў}$ ва (+R/-R) нинг юқори қийматларига эга бўлиб, уни 0.2% Te аралашмаси билан бойитиш Zn_i ва V_{Se} ҳосил қилади, натижада қутбларга боғлиқ ҳолда ρ_T ва ρ_C бир даража камаяди, бунга мос ҳолда $\sigma_{фў}$ бир даражага ўсади. ZnSe(0.2% Te)/ZnO ва ZnSe(0.5% Te)/ZnO наногетероструктуралар ҳам юқори ρ_T , ρ_C ва кичик $\sigma_{фў}$ қийматларига эгаллиги жадвалда келтирилган.

**Қоронғулик (ρ_T) ва ёруғликдаги (ρ_C) солиштирма қаршилик,
поляризация (+R/-R), фотоўтказувчанлик ($\sigma_{\Phi\check{y}}$) қийматлари, ZnO
нанокристал ўлчамлари ва Zn/Se**

Намуналар		ρ_T , Ом	+R/-R	ρ_C , Ом	+R/-R	$\sigma_{\Phi\Pi}$, Ом ⁻¹
ZnSe/ZnO:O наногетеро- структура 27 нм ва 0.84		+4.8·10 ⁹ -5.5·10 ⁹	0.87	+1.1·10 ⁹ -1.3·10 ⁹	0.81	+0.7·10 ⁻¹⁰ -0.6·10 ⁻¹⁰
Реакторнинг γ- нурлари	3.3·10 ¹⁷ см ⁻²	+1.1·10 ⁹ -4.8·10 ⁹	0.23	+3.7·10 ⁷ -4·10 ⁷	0.92	+0.3·10 ⁻⁸ -0.3·10 ⁻⁸
ZnSe(0.2% Te)/ZnO:O нано- гетероўтиш 40 нм ва 0.85		+6.9·10 ⁸ -2.7·10 ⁹	0.25	+1.4·10 ⁸ -7.1·10 ⁸	0.2	+0.6·10 ⁻⁹ -0.1·10 ⁻⁹
Реакторнинг γ-нурлари	3.3·10 ¹⁷ см ⁻²	+2.6·10 ³ -5.8·10 ³	0.45	+2.5·10 ³ -5.2·10 ³	0.48	+0.1·10 ⁻⁵ -0.2·10 ⁻⁵
ZnSe(0.2% Te)/ZnO:O,Zn 40 нм (0.9) ва 0.85		+2.2·10 ⁵ -29·10 ⁵	0.07	+2.1·10 ⁵ -26·10 ⁵	0.08	+0.2·10 ⁻⁷ -0.3·10 ⁻⁸
Реакторнинг γ-нурлари	3.3·10 ¹⁷ см ⁻²	+3.2·10 ³ -3.8·10 ³	0.84	+2·10 ³ -3.7·10 ³	0.54	0.2·10 ⁻⁴ 0.1·10 ⁻⁵
ZnSe(0.5% Te)/ZnO:Zn 52 нм ва 0.86		+5.6·10 ⁶ -9·10 ⁶	0.62	+1.3·10 ⁶ -8.3·10 ⁶	0.15	+0.6·10 ⁻⁷ -0.8·10 ⁻⁸
Реакторнинг γ-нурлари	3.3·10 ¹⁷ см ⁻²	+5·10 ⁴ -9.9·10 ⁴	0.88	+3·10 ³ -3·10 ³	1	0.2·10 ⁻⁴ 0.2·10 ⁻⁴

Барча намуналарни Zn буғида термо-ишлов бериш, ($O_{se}^0 + V_{Zn}^-$), ($O_{se}^0 Te_{se}^0 V_{Zn}$) ассоциатлари билан Zn_i маркази ва p - n -ўтишнинг ҳосил бўлишига олиб келди, натижада ρ_T ва ρ_C 2÷4 тартибгача камайиши, қутбланиш қиймати тушиши, $\sigma_{\Phi\check{y}}$ 10⁴ мартагача ўсиши кузатилди. Нурланишнинг барча турлари, айниқса реакторнинг γ-нурлари таъсирида натижасида Френкел жуфтларининг ҳосил бўлиши $\sigma_{\Phi\check{y}} \sim 20 \div 10^4$ бараваргача ошишига олиб келди.

6-расмда реакторнинг γ-нурланишидан олдин ва кейин юқори қаршиликли ZnSe/ZnO:O наногетероструктуралар ва ZnSe(0.2% Te)/ZnO:O наногетероўтишларнинг фото-вольт-ампер-характеристикалари келтирилган.



6-расм. Реакторнинг γ-нурлари 3.3·10¹⁷ см⁻² оқимидан олдин ва сўнг Фото-ВАХ қоронғуликда (қора) ва ёруғликда (ёруғ).

ZnSe/ZnO:O наногетероструктура омик Фото-вольт-ампер-характеристикага эга бўлиб, реакторнинг γ -нурланиши таъсири натижасида унда фото яримўтказгичли структура шаклланиши кузатилди. ZnSe(0.2% Te)/ZnO:O наногетероўтишни 0.2% Te аралашмалари билан бойитиш, $U \approx 70$ В беркитувчи кучланишли яримўтказгичли структуранинг шаклланишига олиб келди. Реакторнинг γ -нурланиши таъсири натижасида намуналарда Френкел жуфтлари билан Zn_i^{2+} ва $V_{Zn}Zn_iO_{Se}$ комплекслар ҳосил бўлиши, $U \approx 1$ В гача камайишига ва $\sigma_{ф\ddot{y}}$ 10^4 мартагача ошишига олиб келди (6-расм, В).

7-расмда ZnSe(0.2% Te)/ZnO:O,Zn (А) ва ZnSe(0.5% Te)/ZnO:Zn (В) наногетероўтишларнинг $90 \div 390$ К ораликдаги сиртий электрўтказувчанлигининг ҳароратга боғлиқлиги $\sigma(T)$ келтирилган. Бу оралик одатда учта ҳароратли интервалга бўлинади, унда экспоненциал ва чўққили боғланиш кузатилади:


$$E_{\phi} = \frac{k \ln(\rho_1 / \rho_2)}{(\frac{1}{T_2} - \frac{1}{T_1})} \quad \text{ва} \quad E_{\phi} = G \left[\frac{k T_m (T_m - \Delta T)}{\Delta T} \right] \quad (4)$$

Қалинлиги 40 нм ZnO нанокристалли ва 0.9 нм ZnO аморф фазази ZnSe(0.2% Te)/ZnO:O,Zn (А) наногетероўтиш, паст ($90 \div 180$ К) ҳароратларда $\sigma(T) = (3.3 \div 4.2) \cdot 10^{-9}$ Ом $^{-1}$ см $^{-1}$ энергия узатишнинг фаоллашув энергияси $E_{\phi} < 0.01$ эВ ли электрон ўтказувчанлик (Ферми сатҳи яқинида тепки ўтказувчанлик), $180 \div 390$ К ораликда эса $T_{\text{мин}} = 302$ К ли $\sigma_{\text{мин}} = 4.1 \cdot 10^{-10}$ Ом $^{-1}$ см $^{-1}$ ва $E_{\phi} = 0.17$ эВ ли чўққили пасайишга эга. Бундай ҳолат балким ZnSe(0.2% Te)/ZnO:O,Zn чегарасида ZnO қўшимчаларнинг ҳосил бўлиш ва $V_{Zn}Te_{Se}Zn_i$ нуқсонлар концентрациясининг ўсиши билан боғлиқ бўлиши мумкин. Гамма нурланиш таъсиридан сўнг $90 \div 210$ К ораликда ҳароратга боғлиқ бўлмаган ҳолда $\sigma(T)$ 4 тартибгача камайди, ҳароратнинг 270 К гача ўсиш оралиғида эса $\sigma(T) = 10^{-13} \div 2.2 \cdot 10^{-12}$ Ом $^{-1}$ см $^{-1}$ ва $E_{\phi} = 0.33$ эВ гача ортди, $270 \div 370$ К ораликда $\sigma_{\text{мак}} = 3 \cdot 10^{-9}$ Ом $^{-1}$ см $^{-1}$ ва $E_{\phi} = 0.57$ эВ ли $T_{\text{мак}} = 356$ К да чўққили ўсиш кузатилди (3-жадвал ва 7-расм). Ионли $\sigma(T) = (9.9 \div 13) \cdot 10^{-10}$ Ом $^{-1}$ см $^{-1}$ ўтказувчанлик $370 \div 390$ К ораликда $E_{\phi} = 0.71$ эВ қийматга тенглиги ҳисобланди, эҳтимол бу қиймат, 1.2 нм ўлчамли аморф ZnO нанофазази ZnSe чегаралари буйлаб Zn_i^{+} ҳаракати, О микдорининг 70 мартагача ўсиши ва ZnO наноустунлар чўткасининг ҳосил бўлиши билан боғлиқдир. 52 нм ZnO нанокристалли ZnSe(0.5%Te)/ZnO:Zn (В) наногетероўтишнинг $\sigma(T)$ қиймати $90 \div 220$ К ораликда ҳароратга боғлиқ эмаслиги, аммо ҳароратнинг 313 К гача ошишида $\sigma(T)$ нинг $1.1 \cdot 10^{-12} \div 1.4 \cdot 10^{-10}$ Ом $^{-1}$ см $^{-1}$ билан $E_{\phi} < 0.01$ эВ қийматигача ўсиши, ҳароратнинг 345 К гача кўтарилишида эса $\sigma_{\text{мак}} = 1.3 \cdot 10^{-9}$ Ом $^{-1}$ см $^{-1}$ ва $E_{\phi} = 0.85$ эВ ли $T_{\text{мак}} = 335$ К да чўққили туннел электрўтказувчанлик ва $345 \div 390$ К да $E_{\phi} = 0.62$ эВ ли ион ўтказувчанлик ҳосил бўлиши кузатилди. Гамма квантлари билан нурлантириш электрўтказувчанликнинг $90 \div 170$ К да $5.3 \cdot 10^{-10} \div 6.6 \cdot 10^{-11}$ Ом $^{-1}$ см $^{-1}$, $E_{\phi} < 0.05$ эВ гача ошишини, 345 К гача қиздириш эса $T_{\text{мин}} = 226$ К да, $E_{\phi} = 0.1$ эВ, $\sigma_{\text{мин}} = 9 \cdot 10^{-13}$ Ом $^{-1}$ см $^{-1}$ да чўққили пасайишни, $345 \div 390$ К ораликда


$T_{\text{мак}}=364$ К да, $E_a=0.62$ эВ, $\sigma_{\text{мак}}=6.2 \cdot 10^{-7}$ Ом $^{-1}$ см $^{-1}$ қийматга эга бўлган чўққили ўсишни ҳосил бўлишига олиб келди (3 – жадвал).

3-жадвал

ZnSe(0.2%Te)/ZnO:O,Zn (A) ва ZnSe(0.5%Te)/ZnO:Zn (B) наногетероўтишда нурланишдан олдин (1) ва кейин (2) яқин сирт қатламдаги (90÷390 К) электрўтказувчанлик қийматлари



(A) 40 нм и 1.2 амр.фаза



7-Расм. (B) 52 нм


НГЎ	Пара-метрлари	Электрон ўтказувчан	Тепалик ўтказ	Ионли ўтказувчан.
A 40+ 1.2 нм	T (K) σ (Ом $^{-1}$ см $^{-1}$) E_f (эВ)	90÷180 (3.3÷4.2)·10 $^{-9}$ < 0.01	$T_{\text{мин}}=302$ 4.1·10 $^{-10}$ 0.17	-
γ-нур.	T (K) σ (Ом $^{-1}$ см $^{-1}$) E_f (эВ)	210÷270 10 $^{-13}$ ÷2.2·10 $^{-12}$ 0.33	$T_{\text{мак}}=356$ 3·10 $^{-9}$ 0.57	370÷390 (9.9÷13)·10 $^{-10}$ 0.71
B 52 нм	T (K) σ (Ом $^{-1}$ см $^{-1}$) E_f (эВ)	220÷313 1.1·10 $^{-12}$ ÷1.4·10 $^{-10}$ <0.01	$T_{\text{мак}}=335$ 1.3·10 $^{-9}$ 0.85	345÷390 8.6·10 $^{-10}$ 10÷4.2·10 $^{-9}$ 0.62
γ-нур.	T (K) σ (Ом $^{-1}$ см $^{-1}$) E_f (эВ)	90÷170 5.3·10 $^{-10}$ ÷6.6·10 $^{-11}$ 0.05 эВ	$T_{\text{мин}}=226$ 9·10 $^{-13}$ 0.1	$T_{\text{мак}}=364$ $\sigma_{\text{мак}}=6.2 \cdot 10^{-7}$ 0.62

Бу ҳолатлар заряд ташувчиларни ўтказувчанлик зонасида шаклланган резонанс сатҳларга термостимуляциявий уриб чиқарилиши ва $V_{\text{Zn}}\text{TeSeZn}_i$ ассоциатларнинг тақиқланган зонадаги сатҳлари билан боғлиқ ҳолда, О микдорининг ўсиши ва ZnO наноустунлар билан безатилган наноплёнканинг ҳосил бўлиши (5-расм, С) билан боғлиқдир.

Диссертациянинг бешинчи боби «**ZnSe-ZnO:O, ZnSe(0.2-0.5% Te)-ZnO наногетероструктуралар ва ZnSe-ZnO:O,Zn, ZnSe(0.2% Te)-ZnO:O,Zn, ZnSe(0.2-0.5% Te)-ZnO:Zn наногетероўтишларнинг нурланишдан олдин ва кейин электро-оптик хусусиятлари**» деб номланган. Унда легирланишдан, термо-ишлов беришдан, шунингдек турли хил ионловчи нурланишлар таъсиридан олдин ва кейин ҳосил бўлган резонанс оптик ўтишлар ва Смакула формуласи ёрдамида ҳар бир шаклланган сатҳлардаги фотоқўзғатилган электронлар (N_e) концентрациясининг ҳисобланган қийматлари келтирилган. Т.В. Горковенконинг назарий ҳисоблари тўғри зонали ZnSe монокристалнинг $E_g=2.7$ эВ қийматидан юқори бир қанча Γ_{6v} -5.76 эВ, $L_{1,3v}$ -4.85 эВ ва M_{4v} -5.16 эВ мумкин бўлган резонанс сатҳларни ҳосил бўлишини кўрсатди. Қуйида 8-расм (чап) да, ZnSe(Te)/ZnO:O наногетероўтиш (1)-спектри Γ_{6v} -5.76 (215 нм) эВ ва $L_{1,3v}$ -4.85 (255 нм) эВ резонанс сатҳларни ўз ичига олиши, шунингдек ютилиш чегараси $E_g=2.58$ эВ (480 нм) лиги келтирилган. Смакула формуласи бўйича резонанс сатҳлар ва

E_g даги (фотоўтказувчанликдаги электронлар концентрацияси) ҳисобланган қийматлар йиғиндиси 4-жадвалда кўрсатилгандек $N_e=4.4 \cdot 10^{16} \text{ см}^{-3}$ ни беради.

$$N = 1.28 \cdot 10^{17} \frac{n}{(n^2 + 2)^2} \cdot \frac{K_m H}{f} \quad (5)$$



ZnSe(0.2%Te)/ZnO:O, ZnSe(0.2%Te)/ZnO:O,Zn (чапда) ва ZnSe(0.5%Te)/ZnO:Zn (ўнгда) наногетероўтишларни γ -квантлар ^{60}Co билан нурлантиришдан олдин (1,3) ва кейин (2,4).

8-расм. Оптик зичлик спектрлари

4-жадвал


ZnSe(0.2% Te)/ZnO:O (A), ZnSe(0.2% Te)/ZnO:O,Zn (B) ва ZnSe(0.5% Te)-ZnO:Zn (C) наногетероўтишларда резонанс сатҳлар энергияси (эВ) ва N_e ҳисоблари

НГҲ ва НК ZnO	Γ_{6v} эВ $N_{\Gamma_{6v}}$ см^{-3}	$L_{1,3v}$ эВ $N_{L_{1,3v}}$ см^{-3}	Zn_i эВ N_{Zn_i} см^{-3}	O_{Se} эВ $N_{O_{Se}}$ см^{-3}	X эВ N_x см^{-3}	E_g эВ N_{E_g} см^{-3}	N_e см^{-3}
A-40 нм	5.76 $2.2 \cdot 10^{16}$	4.85 $1.6 \cdot 10^{16}$				2.58 $0.5 \cdot 10^{16}$	$4.4 \cdot 10^{16}$
$^{60}\text{Co } \gamma$ 40 нм		-				2.58 $0.5 \cdot 10^{16}$	$0.5 \cdot 10^{16}$
B-40 и 0.9 нм	5.76 $2.4 \cdot 10^{16}$					2.58 $0.3 \cdot 10^{16}$	$2.8 \cdot 10^{16}$
$^{60}\text{Co } \gamma$ 40 и 1.2 нм	5.76 $2.4 \cdot 10^{16}$					2.58 $0.5 \cdot 10^{16}$	$2.9 \cdot 10^{16}$
C-52 нм						2.52 $0.3 \cdot 10^{16}$	$0.3 \cdot 10^{16}$
$^{60}\text{Co } \gamma$ 52 нм	5.76 $2 \cdot 10^{16}$	4.85 $1.4 \cdot 10^{16}$	3.39 $0.9 \cdot 10^{16}$	3.17 $0.8 \cdot 10^{16}$	2.72 $0.4 \cdot 10^{16}$	2.55 $0.3 \cdot 10^{16}$	$5.8 \cdot 10^{16}$

